

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил 3 ноябрь куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди, **Бўка туман Оила маркази биносида очик сайёр суд** мажлисида,

раислик қилувчи Ш.Абдуқодиров,  
судья ёрдамчиси А.Очиловнинг котиблигида, тарафлардан Бўка туман прокурорининг ёрдамчиси **О.Эркабоев**,  
судланувчи **М.К.Б.** ва жабрланувчи **А.А.**ларнинг иштирокида,  
**М.К.Б.га** нисбатан **1-1105-2501/222**-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.  
Иш ҳужжатларига кўра:

**М.К.Б.** - **24.10....** йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, ... талабаси, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, ... маҳалласи ... кўчаси, ...-уйда яшовчи, иш бўйича “**муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат**” эҳтиёт чораси қўлланилган, **айблов хулосаси** нусхасини олган

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **169-моддаси 1-қисми** билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи **М.К.Б.** ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2025 йил 3 сентябрь куни соат 06:00да Бўка тумани ... МФЙда жойлашган дала ер майдонида қаровсиз ҳолда турган жабрланувчи **А.А.га** тегишли бозор баҳоси 11.000.000 сўмлик бир бош чорва молини ўғирлик йўли билан талон-тарож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Суд мажлисида **судланувчи** тариқасида сўроқ қилинган **М.К.Б.** айбига **тўлиқ** иқрорлик билдириб, 2024 йил декабрь ойида “1хбет” онлайн казино ўнини ўйнаш учун ТБС банкдан 3.000.000 сўм миқдорда онасини номига онлайн кредит олганлигини ва муддати ўтишини бошлаши билан кунлик пеня туғишни бошлаганлигини, шу орада у кредит тўлаб юрган вақтларида уйда қурилиш ишлари ҳам бошланиб кетганини, шу сабабли кредит тўлаш учун пул топа олмаганини, топган пулини уйга ёрдам бўлсин деб уйдагиларига берганини, кейинчалик 01.09.2025 йил куни онасини номига олган кредит қарздорлиги тўланмаганлиги учун СМС хабар келиб қолган шунда онаси унга “кредитни нимага олгансан, нима қилгансан, шунча пулни”



деб сўраб қолганини, шунда у “1Хбет” ўйинини ўйнаганлигини, шу ўйин учун пулни тикиб юборганлигини айтиб берганини, шунда уйдагилар билан уришиб қолганини ва шу пулларни жойига қўяман деб 2025 йил 2 сентябрь куни у яшаш хонадонидан соат тахминан 22:00ларда кўчага чиқиб кетганини, кўчага чиқиб тунги соат тахминан 03-00га қадар пул қидирганини, лекин топа олмаганини, кейин Навбахор хўжалигидаги икки бош молидан биттасини сотиб пулини кредитга тўлаб юбормоқчи бўлганини, шунда Бўка туманида чоршанба мол бозори бўлишини эшитганлигини, шу сабабли Бўкага мол бозорга келиб машина гаплашиб Навбахор хўжалигида боқувдаги молини олиб кетмоқчи бўлганини ва 03.09.2025 йил куни соат тахминан 03-00ларда Бўкага йўлга чиққанини ва мол бозор ёнида тушиб қолганини, шу ерда соат тахминан 04-00ларга қадар машина келишини кутиб турганини, бироқ машиналар келавермагач шу ердан ўтаётган одамлардан мол бозор ишлайдими деб сўраганида мол бозор чоршанба куни ишламаслигини, Пискентда мол бозори ишлашини айтишганини, шунда у йўлда кўрганида машиналар мостни устидан Олмалик шаҳар йўналишига қараб кетишаётганлигини, Пискент тумани мол бозорга бориб машина гаплашиб Навбахорга қайтиб молини олиб кетмоқчи бўлганини, шу тариқа дастлаб 1187 рақамига қўнғироқ қилганини, кейин 1187 рақамига қўнғироқ қилиб такси чақирганини, такси келганидан сўнг Пискент туманидаги молбозорга кетганини, йўлда таксида кетаётганида йўлни бўйида дала майдонларида турли кўринишдаги моллар бойлаб қўйилганлигини кўрганини, шунда у шу ердан молни олиб кетиб сотиб юборишга қарор қилганини, шу билан Пискент мол бозорига кетганини, у ерга бориб шу ерда турган таксичиларни ёнига бориб уларни қидирганини, бироқ таксичиларни топа олмаганини, шунда бир юк машина ҳайдовчи амакини машинаси ичида ўтирганлигини кўриб қолганини, шунда ўша амакини ёнига бориб, ўзини Комил деб таништириб “Бўка туманида мостга етмасдан Ачамайли маҳалласидаги далада икки бош дона тана бор, шуни олиб келиб берасизми” деб сўраганини, ҳайдовчи билан 200.000 минг сўмга келишганини ва Бўка туманига қайтганини, шунда соат тахминан 06:00лар бўлганлигини, шунда у дастлаб у ерда моллар борлигини ЯНДЕКСда Пискент тумани молбозорига келаётган вақтида йўл бўйига яқин турган бир нечта молларни кўрганлигини, шу сабабли шулар орасидан бирини ўғирлаб олиб келиб сотмоқчи бўлганлигини, шунда у Ачамайли катта йўл бўйига яқин бўлган дала майдонидаги боғланиб турган моллар турган жойга тўхтатганини ва ўзи Пискентга кетаётганда йўлда кўрган молни олиш учун далага кириб кетганини ва тахминан 40-50 метр кирганида моллар турган томонда эгаси сув бераётган силжитиб юрганини кўрганини, шунда у эгасини кўриб қайтиб чиқиб келганини ва ҳайдовчига бошқа жойда экан мол ўтиб кетиб қолибмиз деганини ва ортга айланиб қайтиб келганини ва яна йўл ёқасига яқин турган молларни рўпарасига тўхташини айтганини, кейин ўзи автомашинадан тушиб дала майдонида тахминан 40-50 метр кириб кетганини ва ўша ерда турган икки бош молларни кўрганини улардан бири ола ва бири қора рангда бўлганини, сигир ва ғунажин бор эканлигини, у ғунажинни боғланиб турган жойидан



қозиги билан ердан суғуриб олганини ва катта йўл бўйига етаклаб чиққанини, катта йўл бўйида турган у мол бозордан заказ қилиб келган машинага жойлаганини, ундан олдин у молни олмоқчи бўлган вақтида бир одам келиб қолганини, у дархол ортига қайтганини ва ҳайдовчи ундан “далада юрган анови одам ким” деганини, у унга “у одам дадам бўлади” деб ёлғон гапирганини ва яна ўша одам ўтиб кетганидан сўнг қора рангли ғунажинни ўғирлаб олиб чиққанини ва машинага ортиб яна Пискент туманига молбозорга қайтиб кетганини, у ўзи билан ўғирлаб келган қора ғунажинни мол бозорга олиб кирмоқчи бўлганида даллоллар келиб мол кимдан сўраб у билан савдолашишни бошлашганини, шунда олувчилардан бири билан 9.400.000 савдолашиб келишганини ва пулини ҳам олганини ва пулларни санаётганида одам ушбу мол қиммат барибир деб пулини қайтариб олганини ва нархини паст айтганини ва келиша олмаганини, сабаби у ерда у ғунажинни 10.000.000 сўм деб баҳосини айтганини, у ерда бир даллол келиб “молингни сотиб берсам, менга қанчасини берасан” деганини, у қанча сўрайсиз деганини, у унга “молингни четга олиб ўтгин 13.000.000 сўмга сотиб бераман” деганини, шундан унга “1.000.000 сўм берасанми” деганини, шунда у “майли бераман” деб айтганини, шунда у бирдан ўзини таклифидан қайтиб қолганини, шу орада шу ерда бўлган даллоллардан бири уни молни ва ҳайдовчини расмга олганини, кейин у молни олиб чиқиб кетмоқчи бўлганида ортидан бир одам уни расмга ва видеога олиб юрганини, шунда у молни етаклаб бир ришёткага боғлаб қўйганини, кейин такси гаплашиб молни олиб кетмоқчи бўлиб таксичилар ёнига ўтаётганида бояги одам уни ортидан юраверганини, шунда у бу одам боя уни олдига келиб молни расмга олган ва у унга “нимага расмга олдингиз” деб сўраса у унга “менинг ҳам шунга ўхшаш молим бор эди, йўқотиб қўйдим” деб айтганини, шунда у бундан шубҳаланиб қолганини ва “молни ташлаб кейинроқ ҳаммаёқ тинчиганида келиб молни олиб жойига олиб бориб ташлайман” деб кетаётганида ортидан келиб уни ушлаб олганини ва орадан тахминан 10-15 дақиқадан сўнг ўзларини Бўка тумани ИИБ ходимлари деб таништирган шахслар келиб қолишганини, кейин ИИБ ходимлари ва у ўғирлаб келган ғунажинни эгаси келиб ушлаб олишганини ва сотиш учун ўғирлаб келган ғунажинни турган жойига олиб боришини айтганини, у панжарага боғлаб қўйган ғунажинни олдига уларни олиб борганини, молни эгаси у ўғирлаб келган ғунажинни “шу мол меники” деганидан сўнг Бўка тумани ИИБ биносига олиб кетишганини, у қора рангли молни кўчада қарзлари кўпайиб кетганлиги сабабли ўғирлаб сотмоқчи бўлганлигини, шу сабабли даладан ғунажинни ўғирлаб кетганини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланганлигини баён қилиб, суддан унга енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи **М.К.Б.нинг** айби унинг **тўлиқ** иқдорлигидан ташқари, мазкур жиноятни содир қилгандаги айби судда текширилган қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида **жабрланувчи** тариқасида сўроқ қилинган **А.А.** тахминан 10 йилдан буён чорвачилик билан шуғулланиб келишини, шу



сабабли 13 бош чорва моллари борлигини ва уларни Ачамайли МФЙда жойлашган тендерда 30 сотихлик ер майдонида очик ҳолатда боқиб келишини, булардан 12 бош моллари далада боқувда қолган бир бош буқаси уйда емда боқувдалигини, у ушбу 12 бош даладаги молларига ўзи қараб юришини ва жойини ўзгартириб сувларини бериб келишини, шу сабабли 2025 йил 2 сентябрь куни соат тахминан 22-00ларда даладаги 12 бош молларидан хабар олганини ва ўзини шу ерда бўлган чайласига кириб дам олганини, эртаси куни 03.09.2025 йил куни соат тахминан 04-00ларда уйғониб ўзини яшаш хонадига нонушта қилиш учун кетиб соат тахминан 06-00ларда яна қайтиб далага келиб шу ерда боқаётган 12 бош молларига қараганини, шу вақтда 12 бош молларидан 11 бош моли борлигини ва бир бош моли йўқлигини сезганини, шу вақтда у далада оёқ ва молни туёқ изларини кўрганини, шу изларни кузатиб кўрса Олмалик шаҳарга кетиш автомобиль йўлига олиб чиқиб, шунда у автомобиль йўлига чиққанида машинадан мол гўнги тушган ва молни туёқ изларини ҳамда автомобил балонлари изини кўрганини, шунда у бир бош молини ғуножинини ўғирлаб кетишганлигини сезганини ва шу заҳоти акаси Э.Худойбердиевга кўнғироқ қилиб “молни ўғирлаб кетишибди, Пискентга мол машина излари бор экан, Пискент йўналиши бўйлаб кетибди, Пискент мол бозорига бориб кўрингчи” деганини, шунда акаси Пискент мол бозорига эрталаб соат 06-00 ларда чиқиб кетганини, у эса далада қолиб “102” операторига мурожаат қилиб моли ўғирланганлиги ҳақида хабар берганини, кейин ИИБ ходимлар келиб керакли хужжатларни расмийлаштиришганини, шу орада акаси кўнғироқ қилиб “мол бозорда сени молингга ўхшаш бир молни кўрдим, шу эмасмикан деб ўйлаябман” деганини, шунда у расмини ташлаб беришини айтганини ва акаси унга расмини ташлаб берганини, у акасига “нуқтасини кўринг ёнида сими бўлиши керак, мен нуқтани ўзим ясаганман” деб айтганини, шунда акаси кўриб ҳақиқатдан нуқтасида сими борлигини айтиб қолганини, шунда у “унда мени молим, расмини ташланг” деганини ва акаси унга молни расми ташлаб берганини, шунда ИИБ ходимлари “аниқ сизники” деб ўғлига ҳам кўрсатганини, шунда ўғли ҳам у ҳам ушбу молни таниб олганини ва ИИБ ходимлари акасига молни кузатиб туришини йўқотиб қўймаслигини билдириб уни олиб Пискент тумани мол бозорга бирга кетганини, шу мол бозорга борганида акаси уни молини ўғирлаб кетган бир ёшроқ болани ушлаб турганлигини ва мол эса мол бозорни киришида решёткага боғлаб қўйилган эканлигини, шу билан ИИБ ходимлари молни расмийлаштириб олишганини ва ҳаммаси биргалиқда Бўка туман ИИБ биносига келганини, хозирги кунда судланувчи унга моддий зарарини қоплаган бўлса-да, лекин уни қийинчиликда меҳнат қилиб парваришлаб келаётган қорамолини ўғирлаб, уни беҳурмат қилганлиги ва у жиноий шерикларини яшириб келаётганлиги учун унга нисбатан даввоси борлигини, ярашувга рози эмаслигини баён қилиб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраб кўрсатувлар берди.



Суд мажлисида судланувчи ва бошқа тарафларнинг розилиги билан судга келмаган **гувоҳ Х.Х.**нинг дастлабки тергов даврида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, судланувчи **М.К.Б.**нинг мазкур жиноятни содир этишдаги айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни *билдирги, жабрланувчининг қонуний чора кўриши ҳақидаги аризалари, тушунтириш хатлари, ашёвий далилни олиш баённомаси, ҳодиса жойини кўздан кечирishi ва фотоиловалар* ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди.

Суд судланувчи **М.К.Б.**нинг жинойий ҳаракатлари юридик квалификациясига баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори 1-бандида *“жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади. бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаётганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қилганман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғирлик деб тавсифлаш лозим”* деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори 5-бандида *“ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланиши”* тўғрисида амалий тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов даврида тўпланган далиллар, иш суд муҳокамасида аниқланган иш ҳолатлари ва Пленум қарори тушунтиришларини, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг фикрларини инобатга олиб, суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи **М.К.Б.**нинг жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **169-моддаси 1-қисми**, яъни *“ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишни содир этишда”* ифодаланган жиноят белгилари билан **тўғри** квалификация қилинган деб топади.

Суд, судланувчи **М.К.Б.**га нисбатан жазо тайинлашда судланувчининг айбига **тўлиқ** иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий-моддий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, иш бўйича жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаиб, жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Суд, судланувчи **М.К.Б.**га жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчининг айбига **тўлиқ** иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий-моддий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, иш бўйича жабрланувчига етказилган моддий зарар **тўлиқ** қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **169-моддасининг 1-қисми** санкциясида назарда тутилган **озодликни чеклаш** жазо турини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд **жабрланувчи А.А.**га жами **11.000.000 сўмлик бир бош қорамоли** тилхат асосида қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Шунингдек, суд манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

### **ҲУКМ ҚИЛАДИ:**

**М.К.Б.** - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **169-моддасининг 1-қисми** билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан **2 (икки) йил** муддатга **озодликни чеклаш** жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазоси маҳкумга нисбатан унинг яшаш манзили бўйича белгиланиб, маҳкумни уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этиш бутунлай тақиқлансин (*ишлаш ёки ўқиш вақтидан ташқари*), агар маҳкум ишга ёки ўқишга жойлашса, иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чеклансин.

Маҳкумнинг зиммасига қуйидаги кўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин:

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик, **Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти** ҳудудидан чиқмаслик;

- жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик тақиқлари белгилансин.

Жазони ижросини таъминлаш, судланувчининг яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ раҳбарияти зиммасига юклатилсин.



Озодликни чеклаш муддати судланувчи жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчига агар озодликдан чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш мумкинлиги ва жазони ўташ даврида унга белгиланган чекланишларни ва мажбуриятларни бузган тақдирда суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш мумкинлиги тушунтирилсин.

**М.К.Б.га** қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

**Жабрланувчи А.А.га** жами **11.000.000** сўмлик бир бош қорамоли тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят ва протестлар шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

ИМЗО

Нусхаси аслига тўғри, судья:

**Ш.Абдуқодиров**

